МАҚОЛ ВА МАТАЛЛАР БАҲО МАЪНОСИНИ ИФОДАЛОВЧИ ВОСИТА СИФАТИДА

Н.Махсудова

Мақолада имплицит ҳамда эксплицит баҳоловчи мақол ва маталлар ёритилиб, бадиий асарлардан олинган мисоллар ёрдамида таҳлил қилинган. Шунингдек, баҳоловчи мақол ва маталларнинг тематик-идеографик гуруҳи келтирилган.

***Калит сўзлар**: мақол, матал, баҳолаш категорияси, эксплицит ва имплицит маъно.*

В статье освещены особенности имплицитно и эксплицитно-оценочных пословиц и поговорок, извлеченных из художественных произведений. Представлены тематически-идеографические группы оценочных пословиц и поговорок.

***Ключевые слова**: пословица, поговорка, категория оценки, имплицитное значение, эксплицитное значение.*

The article is devoted to the proverbs and sayings that are used for implicit and explicit evaluation and they were analyzed with examples which are taken from the literary works of writers. It also presents thematic-ideographic groups of proverbs and sayings that are used for implicit and explicit evaluation of the idea.

***Key words**: proverbs, sayings, category of evaluation, implicit and explicit meaning.*

Мақол, матал ва афоризмларнинг инсон ҳаётида тутган ўрни катта. Улар инсон онгини ўстиради, уни тўғри, ростгўй, меҳнатсевар, мард-жасур, саботли ва матонатли бўлишга ундайди. Шу билан бирга айрим мақолларда золим ва хасис бойлар қораланади, аҳмоқлар масхара қилинади, дангаса ва ялқовлар танқид остига олинади, айни пайтда, уларда кишилардаги энг яхши инсоний фазилатлар улуғланади.

Мақоллар маъносига кўра, модал маъноли ва баҳоловчи мақолларга бўлинади [1.48].

Модал маъноли мақоллар халқнинг ҳаётий тажрибаларини умумлаштириб, нутқда маслаҳат, насиҳат ёки огоҳлантириш тарзида намоён бўлади. Модал маъноли мақолларда феъл буйруқ майлида ишлатилади. Масалан: *As you brew, so must you drink – Ўзинг пиширган ошни ўзинг ич*, *Cut your coat according to your cloth – Кўрпангга қараб оёқ узат*.

Модал маъноли мақоллардан ташқари, шундай мақол тури ҳам борки, улар предмет ёки воқеа-ҳодисага салбий ёки ижобий баҳо бера олади. Албатта, бундай хусусият маталларга ҳам хосдир. Уларни бевосита баҳоловчи мақол ва маталлар

дейишимиз мумкин. Бундай турдаги мақол ва маталларда баҳо муайян мулоҳаза ёки фаолиятнинг хулосаси бўлиб, у предмет ёки воқеа-ҳодисаларнинг хусусиятларини акс эттириш учун хизмат қилади. Инглиз ва ўзбек тилларидаги баҳолаш маъноли паремалар инсонларнинг **иродавий хусусиятларига** (*Everything comes to him who waits – Сабр этган етар муродга, бесабр қимтиниб қолар уятга)*, **характер хислатларига** (*A talebearer is worse than a thief –Чақимчи ўғридан ёмон[1]; Чақимчи – чипор илон, Заҳри – илондан ёмон*), **интеллектуал қобилиятига** (*Fool's tongue runs before his wit – Аҳмоқ аввал сўйлайди, сўнг ўйлайди)*, **хулқ-атворига** (*Honey tongue, a heart off gall – Тили бошқа-ю, дили бошқа)*, **ёшига оид хусусиятларига** *(If you wish good advice consult an old man – Қари билганни пари билмас)*, **ижтимоий-моддий аҳволига** *(He is not poor that has little but that desire much – Бойлиги кўп одам эмас, нафсини тия олган одам бойдир)* ва **ташқи қиёфасидаги жиҳатларга**((*Handsome who handsome does –Иши чиройлининг ўзи чиройли*) баҳо бериши мумкин.

Баҳо очиқ-ойдин ёки яширин тарзда ифодаланишига кўра мақол-маталлар эксплицит ва имплицит баҳоловчи турларга бўлинади. Биринчи тур мақоллар учун баҳолаш доимий бўлади. Чунки уларда баҳолаш хусусиятига эга бўлган сўзлар мавжуд. Улар контекстга бўйсунмайди. Масалан, ўзбек тилидаги "*Одобли ўғил – кундаги юлдуз, одобли қиз – ёқадаги қундуз"* ва инглиз тилидаги "A good dog deserves a good bone (Яхшига ипак илашур, ёмонга тикан илашур) мақоллари.

Иккинчи тоифа мақоллари эса матн имконияти билан баҳолаш хусусиятига эга бўлади. Масалан, ўзбек тилида "Бедананинг уйи йўқ, қайга борса битпилдиқ" маталини олайлик. Ушбу маталнинг асл маъносидан ташқари кўчма маъноси ҳам бор. Бу Турғун Пўлатнинг "Ичкуёв" асаридан олинган қуйидаги парча фикримизга далил бўла олади.

"– Қани олинг, ука! Қалай, тинчмисиз? Ишларингиз яхшими? –Черкашиннинг кейинги сўроғи "йўли учун" айтилганини, у Ўринбойнинг бошидаги савдолардан қай даражададир воқифлигини Ўринбой юрагининг бир чеккасида сезди. Шундай бўлса-да, у ҳам "йўли"га жавоб қайтарди:

– Раҳмат, тинчман. Ўзингиздан сўрасак?

– Э, биздан сўрасангиз-сўрамасангиз, энг яхши, энг осойишта кунимиз мана шу. ***"Бедананинг уйи йўқ, қайга борса битпилдиқ!"****, "Ит ётиш, мирза туриш!". Шунақа дейилармиди? Сиз билан кўришмаганимиздан бери Мирзачўлда бўлдим. Бир-иккита канал қурдик"* [2.112]. Ушбу матнда "*бедана"* сўзи кўчма маънода ишлатилиб, у турар жойининг тайини йўқ, дарбадар, бир жойда муқим яшамайдиган, далли-ғули одам маъносини ифодаламоқда. Шунга ўхшаш мисолни инглиз тили материалида ҳам кўришимиз мумкин. Чунончи: *All lay loads on a willing horse* (Мазмуни: *барча юк серҳаракат от устига юкланади)*.

"I daren't ask old Morgan to do for us. He always says he can't spare the time and gets quite nasty. When you try persuade him. ***Young Simpson's a willing horse****. Try him. He has got less time to spare than most but he doesn't make such a fuss* [3.23]. Ушбу матн мазмунидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жумладаги *willing horse* серҳаракат от маъносида эмас, балки меҳнатсевар, доимо бировдан ёрдамини аямайдиган инсон маъносида ишлатилмоқда.

Имплицит мақол ва маталларда баҳо образ асосида шакланади. А.И.Федоровнинг ёзишича, образ воқеликдаги ҳодисанинг айнан бир хил акси ҳисобланмайди, балки образларда шундай хусусиятлар акс этганки, биз шу хусусиятлар орқали тасвирланаётган шахс ёки предметга бўлган муносабатимизни ифодалашимиз, шунингдек, муаллиф фикрини беришимиз мумкин [4.3-12]. Кўп ҳолларда имплицит мақол ва маталлардаги баҳо метафора ёрдамида аниқланади. Метафорик кўчишда тўғри ёки кўчма маъно структурасидаги умумий сема, яъни кўчиш учун асос бўлган сема муҳимдир. Агар бу сема ижобий бўлса, образ ҳам ижобий баҳоланади, агар салбий бўлса, салбий баҳоланади. Фикримиз исботи сифатида ўзбек тилидаги *"Илоннинг боласи – илон, чаённинг боласи – чаён"* мақолини ва инглиз тилидаги *"A leopard cannot change its spots"; "Can change leopard its spots?"* маталларини таҳлил қилайлик. Илон – судралиб юрувчи, оёқсиз, танаси ингичка ва узун, кўзлари шаффоф қовоқлар билан қопланган жонивор [5.198]. Чаён – ўргамчаксимонлар синфига мансуб бўлган бўғимоёқлилар туркумига кирувчи заҳарли ҳашорат [5.445]. Кўчма маъноси: Илон – муғамбир ёки турқи совуқ, бамисоли илон каби заҳрини сочувчи инсон. Чаён – тили аччиқ, газанда, ёмон одам. Метафорик кўчишга асос бўлган сема – илон ва чаённинг ёмонлиги ва инсонларга озор бериши.

Албатта, бу образнинг салбий баҳоланишига асос бўлади. Мақолнинг мазмуни: ёмон инсонларнинг фарзандлари, албатта, ёмон бўлади, чунки

[1] Муқобили йўқ мақолларни таржима қилиш жараёнида уларнинг маъносини беришга ҳаракат қилдик.

ёмонлик наслдан наслга ўтиши мумкин. Бу мақол борасидаги юқоридаги фикрлар қуйидаги матн ёрдамида янада ойдинлашади.

“– Ҳа, яхши. Бу ерда бир гап чиқмайди шекилли. Сен мен билан бирга кетасан. Суҳбатни идорада давом эттирамиз. Сенлар “энкведе” нима эканлигини ҳали билмас экансанлар. Кўзларингни очиб қўймасам бўлмайди.

– Биз шикоят қиламиз. Сиз ҳали жавоб берасиз! – деди Эркин қатъийлик билан.

*Жавлон **“Илоннинг боласи – илон, чаённинг боласи – чаён”**, деб ижирғанди-да, Эркинни силтаб нари итарди. Онаси уйда дод деганича қолаверди”* [6.188].

Инглиз тилидаги *“A leopard cannot change its spots”; “Can change leopard its spots?”* матали С.И.Лубенская луғатида қуйдагича изоҳланган: *person’s deep-rooted shortcoming, habits etc are impossible, to correct, a person’s nature cannot change* [7.141]. Яъни инсоннинг чуқур илдиз отган иллатлари, одатлари, характерини ўзгартириб бўлмайди. Ушбу матал мазмунан ўзбек тилидаги “Букрини гўр тузатади” мақолига тўғри келади. Бу мақолда метафора салбий хислатларни ўхшатишга асосланган. Мақолдаги *spot – stain* сўзи “доғ” деган маънони беради. Кўчма маъноси: *spot – moral stain, blot or blemish*; *a stigma or disgrace* [8.670] – маънавий доғ, иснод, камчилик. Метафорик кўчишга асос бўлган сема – ёмон иллатлар, одатларнинг мавжудлиги. Демак, юқорида кўрсатилган омиллар образнинг салбий баҳоланишига асос бўла олади. Бу фикрлар қуйидаги мисолда ҳам ўз ифодасини топган:

*“They’ve [the pheasants have] really taken offence. They won’t be back”. Andrei vented his annoyance on him [the old veterinarian]. “What I am supposed to do, dance for them? They’d have let us down sooner or later anyway. **A leopard cannot change its spots”*** [9.141].

Демак, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки, мақол ва маталлар нутқий фаолиятда баҳо маъносини ифодаловчи асосий воситалардан бўлиб, доим субъектга қаратилган бўлади ва фақат субъект, предмет ёки воқеа-ҳодисаларни тасвирлаш учун эмас, балки уларни шарҳлаш, баҳолаш ва уларга субъектив муносабатни ифодалаш учун ҳам юзага келади.

Адабиётлар:

1. Наймушина Т.А. Пословицы и поговорки в художественном тексте.: Дисс…канд.филол.наук. – Ленинград, 1984.- 174 с.

2. Пўлат Т. Ичкуёв. – Т.: Ёзувчи, 2000.- 296 б.

3. Ridout R, Witting C. English proverbs explained. – London.: Pan books Ltd, 1969.- 605 p.

4. Фёдоров А.И. Выражение понятий и представлений в языке и речи // Актуальные проблемы лексикологии и словообразования. Вып. III. – Новосибирск, 1974.- 84 с.

5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. – Т.: ЎМЭ, 2008.- 606 б.

6. Малик, Тоҳир. Танланган асарлар. – Т.: Шарқ, 2005.- 479 б.

7. Лубенская С.И. Большой русско-английский фразеологический словарь. – М.: АСТ-пресс книга, 2004.- 101 с.

8. The Oxford English dictionary. – Oxford. : Clarendon press, 1961, Volume-10.- 642 p.

9. Maksimov V. The seven days of creation [transl. not indicated]. – New York: Knoph, 1975.- 836 p.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети,
2016 йил 11 августда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.н. М.Т.Ирисқулов)